Тошкент оқшоми

2014 ЙИЛ 18 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 229 – 231 (12.790 – 12.792)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Камалак юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивалининг якуний босқичи бошланди.

2014 йил — Соғлом бола йили

ИСТЕЪДОДЛАРНИ КАШФ ЭТАЁТГАН ФЕСТИВАЛЬ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Камалак» болалар ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалнинг ҳудудий босқичларида ғолиб бўлган ўғил-қизлар турли номинациялар бўйича ўз маҳорат ва истеъдодини намойиш этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болаларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, бадиий диди ва эстетик тафаккурини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишлар ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

«Камалак юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивалидан кўзланган асосий мақсад болаларнинг истеъдодини юзага чиқариш учун яқиндан кўмаклашиш, уларнинг катта саҳналарда ўз қобилиятини намоён этиши учун имконият яратиш, ижодкор ўғил-қизлар фаолияти билан халқимизни яқиндан таништиришдан иборатдир.

Фестивалнинг дастлабки босқичларида иштирок этиш учун 6-15 ёшдаги минглаб болалардан аризалар келиб тушди. Уларнинг салкам 700 нафари мамлакат босқичида қатнашиш имконини қўлга киритди. Фестивални юқори савияда ўтказиш мақсадида ҳакамлар ҳайъати аъзолари, таниқли санъат ва маданият вакиллари, ташкилотчилар юртимизнинг чекка ҳудудларидаги ёшларнинг истеъдодини тегишли мезонлар асосида баҳолаб борди.

12 ёшли Музробхўжа Маҳмудов Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги 6-болалар мусиқа ва санъат мактабида таҳсил олади. У танбурда миллий куй-қўшиқларни маромига етказиб ижро этади.

– Фестиваль учун «Мустаҳзод» қўшиғини тайёрлаб келдим, – дейди ёш ижрочи. – Катта саҳнага биринчи марта чиқяпман. Бу фестиваль тенгдошларимнинг ижоди билан танишиш, устоз мусиқачи ва бастакорлар, созандаларнинг маҳорат сабоқларида иштирок этиш учун яхши имкониятдир.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Ёлқин Шамсиддинов (ЎзА) олган суратлар

---

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кун

ИФТИХОР ВА ҒУРУР ТИМСОЛИ

Давлат рамзлари ҳар бир мамлакатнинг суверенитети ва мустақиллигини ифодаловчи муқаддас тимсоллардир. Ўзбекистоннинг давлат рамзлари халқимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этиб, шу юртда яшовчи ҳар бир фуқарога ғурур, фахр-ифтихор бағишлайди.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, озод Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари – Давлат герби, Давлат байроғи, Давлат мадҳияси азиздир. Шу боис байроғимиз ёки гербимизга назар солганимизда ёки мадҳиямиз янграганда биз руҳан жўшқинликни, азму шижоатимиз ошганини, қалбимизда ғурур ва буюк истиқболга ишонч туйғусини ҳис этамиз.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, 1991 йилнинг 18 ноябрида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Мана, йигирма уч йилдирки, миллий байроғимиз халқаро миқёсда мамлакатимиз обрў-эътиборини, юртдошларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида ҳилпираб турган байроқлар орасида Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи ҳам борлиги қалбимизда ғурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдиради. Шу юрт, шу муқаддас замин фарзанди эканимиздан фахрланамиз.

Давлатимиз байроғи Президент девони, Олий Мажлис палаталари, Ҳукумат биноси, маҳаллий бошқарув идоралари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва савдо ваколатхоналари, консуллик муассасаларида ҳилпираб турибди.

Президентимизнинг хорижий давлатларга расмий ташрифлари давомида байроғимиз ўша мамлакат кўчаларини безайди. Турли байрам тантаналарида, мамлакатимиз делегациялари қатнашаётган халқаро тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимиз шарафи, халқимизнинг ғурур ва ифтихорини ёркин акс эттирадиган омиллардан бири ҳам айнан байроғимиздир.

Ватан ҳимояси учун ҳарбий қасамёд қилаётган ўғлонлар байроғимиз олдида тиз чўкиб, уни кўзларига суради. Халқаро миқёсдаги мусобақаларда ғалаба қозонган спортчиларимиз давлатимиз байроғини баланд кўтариб, ғолиблик нашидасини суради.

Давлатимиз байроғи спортчиларимизга доимо куч-қудрат, жасорат бахш этади. Спортчиларимиз 2014 йилнинг ўтган даврида миллий ва олимпия спорт турлари бўйича ўтказилган қатор халқаро мусобақаларда 186 олтин, 200 кумуш, 239 бронза медални қўлга киритди. Улар эришган ғалабалар шарафига дунё спорт ареналарида Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилди. Бу миллионлаб юртдошларимиз қалбини чексиз фахрга тўлдирди.

Давлатимиз байроғидаги ҳар қайси ранг, ҳар бир белги чуқур маъно-мазмунга эга. Улар миллий давлатчилигимиз тарихидаги эзгу ифодаларни, айни пайтда мамлакатимизнинг табиий, миллий ва маънавий хусусиятларини ўзида мужассам этган. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонунда миллий тимсолимизни тасвирлаш ва ўрнатишга оид рангли-схематик тартиблар белгиланган.

Байроқдаги мовий ранг – мусаффо осмон ва тиниқ сув еру кўкдаги ҳаёт манбалари ифодаси. Оқ ранг тинчлик ва поклик рамзи сифатида халқимиз забт этадиган довонларга йўл очади. Яшариш ва янгиланиш тимсоли бўлган яшил ранг юртимизнинг гўзал табиатига қиёсдир. Қизил чизиқлар эса томиримизда жўшиб оқаётган аждодлар қони – ҳаётий қудрат ва бардавомлик нишонасидир.

Янги ой юртимиздаги тинчлик ва фаровонликни, айни пайтда давлатчилигимиз тарихида янги давр бошланганини акс эттиради. Унинг ёнида саф тортган 12 юлдуз беғуборлик, мукаммаллик, донишмандлик ифодасидир.

Давлат рамзларининг муқаддаслигини, улар бизга элу юрт манфаати барча нарсадан устунлигини англатиб, эслатиб туришини ҳар биримиз, айниқса, ёш авлод доимо ёдда тутиши лозим.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎзА шарҳловчиси

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Бухоро вилояти ҳокимлиги ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ёшларда ватанпарварлик, давлат рамзларига ҳурмат туйғуларини янада мустаҳкамлашга қаратилган «Давлатимиз байроғи – ифтихоримиз» шиори остида ёшлар акцияси ўтказилди.**

● **Термизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳани ривожлантириш йўлида яратилаётган имтиёз ва преференциялар мазмун-моҳиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

● **«Ниҳол» республика кўрик-танловининг Самарқанд вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг вилоят босқичида етмиш нафардан зиёд йигит-қиз мусиқа, рақс, мумтоз қўшиқ, эстрада ва опера санъати ижрочилиги бўйича ўз иқтидорини намоён этди.**

● **Фарғонада Зулфия номидаги Давлат мукофоти танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Бу йил танловнинг туман ва шаҳар босқичларида мингга яқин қиз қатнашди. Улар орасидан сараланган 77 қиз вилоят босқичида ўз истеъдодини намойиш этди.**

● **Қашқадарёда «Сен билан бирга – «Камолот» сари» шиори остида талаба-ёшлар фестивали бўлиб ўтди.**

ЖАҲОНДА

● **Англиянинг Йоркшир графлигидаги ўрдак фермасида парранда гриппи аниқланди. Бу инсон ҳаёти учун хавфли саналган «H5N1» вируси эмас. Шу боис унинг одамга юқиш эҳтимоли жуда кам. Парранда гриппи билан боғлиқ ҳолат Буюк Британияда сўнгги олти йил ичида биринчи марта кузатилди.**

● **Женевада ўтказилган «Sotheby's» аукционида чўнтак соати 21,3 миллион АҚШ долларига сотилди. Олтиндан ясалган ушбу қимматбаҳо буюмнинг оғирлиги 500 граммга тенг. Соат 1930 йилда АҚШлик банкир Генри Грэйвс буюртмасига биноан, Швейцариянинг «Patek Philippe» компанияси томонидан тайёрланган.**

● **Хитойнинг Шаньдун провинциясидаги сабзини қайта ишлаш корхонасида ёнғин рўй берди. Оқибатда 18 киши ҳаётдан кўз юмди. 13 нафар одам тан жароҳати олди. Тўрт кишининг тақдири эса номаълумлигича қолмоқда.**

2014 йилги сайловни ёритиш бўйича республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси томонидан маҳаллий ва хорижий журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилди.

Сайлов — 2014

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ БОШЛАНМОҚДА

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов оммавий ахборот воситалари ходимларига Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтгани ва унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш ва сайловолди ташвиқотини ўтказиш тартиби тўғрисида қарорлар қабул қилингани ҳақида ахборот берди.

Тадбирда барча сиёсий партиялар қонунда белгиланган муддатларда ўз съезд ва қурултойларини ўтказгани ҳамда уларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилгани қайд этилди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар раҳбарларининг депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ҳақидаги аризалари ва уларга илова қилинадиган зарур ҳужжатлар қабул қилинди.

Сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган мазкур ҳужжатларни қонунда белгиланган етти кунлик муддат ичида текшириш мақсадида Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Ҳужжатларни текшириш жараёнида депутатликка номзодлар сиёсий партиялар юқори органлари томонидан кўрсатилгани, ҳар бир сайлов округидан депутатликка биттадан номзод кўрсатилгани, шунингдек, депутатликка номзодларнинг уларга қўйиладиган талабларга мувофиқлиги масалалари ўрганиб чиқилди.

Матбуот анжуманида сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш ишлари сайлов қонунчилиги талабларига қатъий мувофиқ равишда ўтказилгани таъкидланди.

Бундан ташқари, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасига биноан сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини хотин-қизлар ташкил этиши лозимлиги ҳақидаги қонун нормасига риоя этилишига алоҳида эътибор қаратилди. Рўйхатга олинган номзодларнинг 31,8 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.

Парламент қуйи палатаси депутатлигига номзодлар орасида таълим соҳаси вакиллари 26,5, ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари 20,2, иқтисодчилар 20,8, ҳуқуқшунослар 14,2, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари 10,1 фоизни ташкил қилди. Номзодларнинг барчаси олий маълумот ва катта ҳаётий тажрибага, 21,7 фоизи эса фан доктори ёки номзоди илмий даражасига эга. Номзодларнинг 13,8 фоизи илгари ҳам депутатликка сайланган.

Шундай қилиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддасига биноан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш қонунда белгиланган муддатда якунланди.

Сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг рўйхати номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, қайси партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими, иш ва яшаш жойи, шунингдек, уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинади.

Матбуот анжуманида депутатликка номзодлар рўйхатга олингач, сайлов жараёнининг муҳим босқичи – сайлов қонунчилиги талаблари асосида амалга ошириладиган сайловолди ташвиқоти бошлангани таъкидланди.

Мамлакатимизда сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг барча шакл ва усулларини самарали қўллаш учун ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилган. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини амалга оширишда депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисида»ги низомга биноан депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга сайловолди ташвиқоти даврида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шароитлар яратиш, сиёсий партияларнинг келгуси ўз фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан уларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишининг алиффо тартиби белгиланди.

Шунингдек, депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун барча зарур шарт-шароит яратилади. Сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартишларга кўра, сиёсий партиялар сайловчилар билан учрашувларни мустақил равишда ўтказади.

Матбуот анжуманида барча депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга сайловолди курашини адолатли ва очиқ-ошкора амалга ошириш учун тенг ва кенг имконият яратиш сиёсий плюрализм асосида соғлом рақобатни таъминлаш имконини бериши қайд этилди.

Тадбирда дунёда Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган парламент сайловига қизиқиш ортиб бораётгани таъкидланди. Айни пайтда қатор халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг кўплаб вакиллари халқаро кузатувда иштирок этишини тасдиқлади. Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссияси сайловни ёритиш учун уч юздан зиёд хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг шу йил 21 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига бўлиб ўтадиган сайловларни уюшқоқлик билан ўтказишга бағишланган навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қонунга мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш, туманларда сайловларни ўтказиш ишларининг бориши ҳамда кун тартибига киритилган бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг шаҳар Кенгашлари томонидан шаҳарда ташкил этилган 60 та округлар бўйича тақдим этилган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 22-2- моддаси талабларига мувофиқ эканлиги эътироф этилди.

Сиёсий партияларнинг шаҳар Кенгашлари томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар ва депутатликка номзодларнинг тегишли округлардан номзодлари овозга қўйилишига рози эканликлари тўғрисидаги аризалари кўриб чиқилиб, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11 ва 24-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинди.

Сайловларни ёритиш бўйича
Тошкент шаҳар Матбуот маркази

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 11, 26-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар этиб қуйидагилар рўйхатга олинсин:

Тошкент шаҳри бўйича:

Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Эгаллаб турган лавозими	Доимий яшаш жойи	Номзод кўрсатган органнинг номи
124-Оқтепа сайлов округи					
Арипова Мактуба Кабуловна	1970	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Учтепа тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Исламова Дилфуза Дилшодовна	1979	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Учтепа туманидаги 228-умумий ўрта таълим мактаби директори	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Саидов Аълонур Бахтинурович	1969	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти директори	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси
Хусанова Мухтабар Акбаровна	1983	Партиясиз	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси
125-Дархон сайлов округи					
Дададжанов Юсуф Атабекович	1963	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Telekom Invest» филиали директори	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Дадашева Акида Абдужаббаровна	1976	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети «Давлат-ҳуқуқий фанлар» кафедраси доценти	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси
Мухитдинов Зикрулла Шукуруллаевич	1977	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	Давлат акциядорлик тижорат банки «Асакабанк» Тошкент шаҳар филиали бошқарувчиси	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси
Умаров Закир Сабирджанович	1980	Партиясиз	Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
126-Темирйўлчилар сайлов округи					
Азамат Зиё Хамид ўғли	1963	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси
Косимова Азиза Собитовна	1966	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Сергели енгил саноат касб-ҳунар коллежи директори	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Мадаминова Феруза Вахидовна	1963	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Миробод туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Тангабаев Рустам Абдуганиевич	1979	Партиясиз	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг судьяси	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси
127-Қорақамиш сайлов округи					
Мамаджанов Шухрат Муратович	1979	Партиясиз	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Жиноий-маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Салиходжаев Иляс Илхамович	1960	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	«Ўзагросаноатлойиҳа» МЧЖ директори	Тошкент шаҳри, Миробод тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Царева Виктория Эдуардовна	1964	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	Тошкент шаҳар эндокринология диспансери бош шифокори	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси
Шаюсупова Наргиза Тургуновна	1969	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Меҳнат ва ижтимоий соҳа иқтисодиёти» кафедраси мудири	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси
128-Саноат сайлов округи					
Адилов Равшан Иркинович	1966	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	Тошкент кимё-технологиялари институти илмий ишлар бўйича проректори	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси
Имамалиев Шукурилла Гулямович	1960	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	«Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки Тошкент шаҳар филиали бошлиғи	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси
Камилов Рустам Туйчиевич	1972	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Миррахимова Дилобар Тишамбаевна	1962	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	«Доктор-Д» МЧЖ клиникаси шифокори	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
129-Дўмбиробод сайлов округи					
Нигматова Салиха Патхуллаевна	1960	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги «Иффатли келин» нодавлат таълим муассасаси директори	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси
Свешников Полянте Грамитонович	1954	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Тохтаева Гузал Кашибовна	1961	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси республика Кенгашининг раиси ўринбосари	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Шомуталова Шохида Батировна	1977	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	Республика маънавият тарғибот марказининг Учтепа тумани бўлими раиси	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

130-Бодомзор сайлов округи					
Абдуллаев Хамдам Халилович	1963	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Олмазор туманидаги «Гранд техно груп» масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Инагамов Жовдатхон Султанович	1969	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси
Махамадалиева Дилорам Шалатиповна	1960	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	«Умид Гулшани санаторияси» масъулияти чекланган жамияти директори	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси
Файзиева Дилором Хуснитдиновна	1962	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
131-Астробод сайлов округи					
Абдршин Фарид Анварович	1975	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	«Зенит Электроникс» МЧЖ директори	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Абдуллаев Илхом Заирович	1965	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси
Абидова Дилдора Ядгаровна	1963	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	М.Улуғбек тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Шоқосимов Садриддин Шоқосим ўғли	1978	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси
132-Тўқимачи сайлов округи					
Ачилов Жамол Алишерович	1982	Партиясиз	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи ўринбосари	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Каримов Рахматилла Хамидиллаевич	1966	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Каримова Умида Лутфуллаевна	1973	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	Тошкент шаҳар Сергели туманидаги «Умид кучи» ижтимоий маркази директори	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси
Хакимов Ровшан Рашодович	1979	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	Ўзбекистон Миллий университетининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси
133-Кўкча сайлов округи					
Алимов Наврузжон Раимджанович	1977	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси
Миракулов Миравзал Миродилович	1980	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Саматов Улугбек Гаффарович	1977	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси
Тулаганова Гулчехра Захитовна	1969	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Тошкент давлат юридик университетининг Жиноят процессуал ҳуқуқи кафедраси доценти	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
134-Қўйлиқ сайлов округи					
Ишанкулова Салима Умаровна	1957	Партиясиз	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг раиси	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси
Махкамбаева Махбуба Акмаловна	1962	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар таянч пункти директори	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси
Сагдуллаев Фуркат Лутфуллаевич	1964	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	«Тошкент механика заводи» акционерлик жамиятининг техник таъминот ва транспорт бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Цветков Владислав Олегович	1978	Партиясиз	Тошкент шаҳар Жиноят ишлари бўйича судининг судьяси	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
135-Шайхонтоҳур сайлов округи					
Асилова Мухайё Убаевна	1964	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	Вирусология илмий-текшириш институти клиникаси бош шифокори	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси
Атаев Дилмурад Иргашвоевич	1970	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Инвестиция департаменти бошлиғи	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Шоахмедов Шохрух Шорахимович	1979	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки бошқаруви раиси ўринбосари	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси
Шукуров Элбек Хабибуллаевич	1988	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши раиси	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби К.Адилов тегишли округ сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги хабарни маҳаллий матбуотда қонунда белгиланган муддатда эълон қилинишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси
М.АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 15 ноябрь

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси
ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Сиёсий партиялар томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни ва депутатликка номзодларнинг тегишли округлардан номзодлари овозга қўйилишига рози эканликлари тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиб, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11 ва 24-моддаларига мувофиқ шаҳар сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси шаҳар Кенгашлари томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинсин.

Сайлов округининг рақами ва номи	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили, партиявийлиги, эгаллаб турган лавозими, турар жойи	Депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия
1	2	3	4
УЧТЕПА ТУМАНИ			
1-ОЙБЕК	**Адилов Кобулжан Кадирович**	1965 йил, ЎзХДП, «Техно-софт» масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Зайниддинов Бахриддин Садирдинович	1975 йил, «Адолат» СДП, Тошкент солиқ коллежи директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Ибрагимова Нагина Маратовна	1971 йил, ЎзМТДП, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети роман-герман филологияси факультетининг ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Садиков Атабек Хатамович	1964 йил, ЎзЛиДеП, «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
2-АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ	**Абдумажидов Илёс Илхомович**	1974 йил, ЎзМТДП, «IDEALSHOES» оилавий корхонаси директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Агзамов Азиз Ахралович	1982 йил, ЎзХДП, «Агзамов Азиз Ахралович» масъулияти чекланган жамияти стоматология клиникаси раҳбари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Юлдашев Мансурбек Насимович	1972 йил, «Адолат» СДП, Учтепа туманидаги Абдулла Қодирий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Шоумаров Дилшод Шовкатович	1964 йил, ЎзЛиДеП, Учтепа туманидаги «Демакс металл» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
3-БЕШҚАЙРАҒОЧ	**Абдураҳмонова Тўтинисо Баходировна**	1978 йил, «Адолат» СДП, Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Ниёзалиев Ғайрат Турсунбоевич	1961 йил, ЎзХДП, «STATUS-MUBARRO» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Саидов Бахтинур Хамдамович	1941 йил, ЎзЛиДеП, Учтепа туманидаги Журжоний номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Тураева Феруза Тухтамурадовна	1969 йил, ЎзМТДП, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши

1	2	3	4
4-ШОҲЛИК	**Абдукахаров Азиз Тулкунович**	1983 йил, ЎзМТДП, акциядорлик тижорат «Алоқабанк» Юридик бошқармаси бошлиғи, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Зуфаров Мураджон Миржалалович	1985 йил, ЎзЛиДеП, «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» акциядорлик жамиятининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Исхакова Гулчеҳра Анваровна	1972 йил, ЎзХДП, шаҳар 3-сон болалар клиник шифохонасининг Консультатив-диагностика бўлими мудираси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Шакиров Баҳодир Мухаммадсидикович	1980 йил, «Адолат» СДП, Солиқ академиясининг «Юридик фанлар» кафедраси мудири, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
5-ФОЗИЛТЕПА	**Абдуллаева Ойдин Утамуродовна**	1976 йил, «Адолат» СДП, Ўзбекистон давлат консерваториясининг «Бастакорлик ва чолғулаштириш» кафедраси доценти, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Ганиев Жахонгир Абдирауфович	1981 йил, ЎзЛиДеП, «Мега продукт» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Мирзаджанова Раъно Лутфуллаевна	1974 йил, ЎзХДП, Шайхонтоҳур туманидаги 102-мактаб директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Сафаев Нуритдин Салихович	1959 йил, ЎзМТДП, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг «Умумий психология» кафедраси мудири, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
6-ЧЎПОНОТА	**Дадаходжаев Фаррух Саидахмедович**	1949 йил, ЎзМТДП, «Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Жўраева Шаҳноза Умматқуловна	1978 йил, ЎзЛиДеП, Ибн Сино номли шаҳар 1-сонли клиник шифохонасининг Микрожарроҳлик бўлими шифокори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Раджапбаева Гулара Палвановна	1960 йил, «Адолат» СДП, Республика ДСЭНМ эпидемиологи, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Холмухамедов Шухрат Максудович	1983 йил, ЎзХДП, «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик-тижорат банки Чилонзор филиалининг махсус сектор мудири, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси
ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

1	2	3	4
7-ШИРИН	**Боймуратова Шахло Курашевна**	1968 йил, «Адолат» СДП, Тошкент шаҳар 9-туғруқхона бош шифокори ўринбосари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Каримова Раъно Патхуллаевна	1968 йил, ЎзЛиДеП, «Бегим бегойим» ўқув маркази раҳбари, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Каримов Юнус Азизович	1976 йил, ЎзМТДП, «Метекс плюс» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Юнусова Замира Гафаровна	1969 йил, ЎзХДП, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг тикувчилик-трикотаж саноатини ривожлантириш бошқармаси мутахассиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
БЕКТЕМИР ТУМАНИ			
8-СУВЧИ	**Бекназаров Абдурахим Мамараимович**	1968 йил, ЎзХДП, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси Бектемир туман 4-сон Давлат нотариал идораси нотариус ёрдамчиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Карлибаева Рая Хожабаевна	1973 йил, ЎзМТДП, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Корпоратив бошқарув ва рақобатни ривожлантириш» кафедраси мудири, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Махаметов Сарвар Ташматович	1977 йил, ЎзЛиДеП, Бектемир тумани ҳокими, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Нарбутаев Хусниддин Эргашевич	1970 йил, «Адолат» СДП, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Бектемир туман бўлинмаси раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ			
9-САЛОР	**Ахмедов Шомансур Тўйчиевич**	1966 йил, ЎзХДП, Мирзо Улуғбек тумани ҳокими, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Ахмеджанов Бурхон Боҳодир ўғли	1977 йил, ЎзЛиДеП, «DIKOMSERVIS» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Гафурова Тожихон Нишанбаевна	1960 йил, ЎзМТДП, «Ўзбекнефтгаз» Холдинг компанияси хўжалик ҳисобидаги бошқармасининг бош ҳисобчиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Содиқова Шоҳида Мархабоевна	1970 йил, «Адолат» СДП, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси қошидаги Илмий-ахборот марказининг катта илмий ходими, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
10-БЎЗ	**Гаюпов Абдулла Таджиевич**	1961 йил, ЎзМТДП, "Алоқалойиҳа» давлат унитар корхонаси директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Рахимова Зулайхо Тулкиновна	1980 йил, «Адолат» СДП, Мирзо Улуғбек тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ўринбосари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Фаттахов Фурқат Шухратович	1983 йил, ЎзХДП, «Абдужаббор ота» хусусий фирмаси директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Шин Агрепина Васильевна	1958 йил, ЎзЛиДеП, Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
11-ЗИЁЛИЛАР	**Ахматджанов Умид Махамаджанович**	1977 йил, ЎзМТДП, Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси раиси ўринбосари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Кенджаева Гулнора Равшановна	1968 йил, «Адолат» СДП, Тошкент шаҳар 5-клиник шифохонаси бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Матниязов Зокирбек Эркинович	1977 йил, ЎзХДП, Мирзо Улуғбек туманидаги 3-тери-таносил касалликлари диспансерининг бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Мухамедов Бехзод Нигматуллаевич	1977 йил, ЎзЛиДеП, «Premium Alliance Paper» фирмаси директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
12-ЯЛАНҒОЧ	**Искандаров Эркин Буриевич**	1966 йил, ЎзЛиДеП, Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ижрочи директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Сабиров Дониёр Мирахмадович	1976 йил, «Адолат» СДП, шаҳар 2-сон болалар жарроҳлик клиник шифохонаси бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Юлдашев Акмал Рустамович	1986 йил, ЎзХДП, «Ўзоғирнефтегазкимёлойиҳа» институти ахборот-аналитик бўлимининг етакчи муҳандиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Юсупова Наргиза Файзирахмановна	1958 йил, ЎзМТДП, Мирзо Улуғбек туманидаги Хумоюн номли маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
13-ГУЛШАН	**Алланазарова Норжон Жуманозоровна**	1964 йил, ЎзХДП, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Мирзо Улуғбек тумани бўлинмаси раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Максудова Шахло Рихсибаевна	1967 йил, ЎзЛиДеП, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Умарова Нодира Нигматуллаевна	1969 йил, ЎзМТДП, Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мирзо Улуғбек академик лицейи директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Юсупова Муборак Дамировна	1976 йил, «Адолат» СДП, Мирзо Улуғбек туманидаги 64-мактаб директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
14-ИНТИЗОР	**Акилов Хабибулла Атауллаевич**	1957 йил, ЎзХДП, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг ўқув ишлари бўйича проректори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Атаханова Хилола Матякубовна	1973 йил, ЎзМТДП, Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекциясининг меҳнат ва режалаштириш бўйича бош мутахассиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Маматова Нодира Мухтаровна	1969 йил, ЎзЛиДеП, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг «Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш, молиялаштириш ва бошқариш» кафедраси доценти, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Яхьяева Адолат Ходжиевна	1970 йил, «Адолат» СДП, Ўзбекистон «Адолат» СДП Мирзо Улуғбек туман Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси
ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

1	2	3	4
15-ФЕРУЗА	**Камилов Халиджан Махамаджанович**	1945 йил, «Адолат» СДП, Тошкент шаҳар врачлар малакасини ошириш институтининг «Офтальмология» кафедраси профессори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Мамадияров Дилшад Уралович	1976 йил, ЎзХДП, Тошкент давлат аграр университетининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Назаров Жахонгир Махкамбаевич	1978 йил, ЎзМТДП, «Сувсоз» давлат унитар корхонаси шаҳар сув тармоқлари бошқармасининг Мирзо Улуғбек туман сув тармоқларидан фойдаланиш цехи бошлиғи, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Рустамова Дилдора Абдумаликовна	1970 йил, ЎзЛиДеП, Мирзо Улуғбек туманидаги 1-стоматология поликлиникасининг бош шифокори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
16-ХУМОЮН	**Абдукаюмов Абдуманнап Абдумаджитович**	1977 йил, ЎзМТДП, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий марказининг даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари, бош шифокор, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Абдурахимов Абдувохид Абдухалилович	1970 йил, «Адолат» СДП, «Илғор меҳнат қурилиш саноати» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Мирхаликова Шахло Мансуровна	1973 йил, ЎзХДП, Тошкент шаҳар 1-силга қарши диспансери бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Мухамедов Қахрамон Носирджонович	1968 йил, ЎзЛиДеП, «Toshkent issiqlik markazi» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
МИРОБОД ТУМАНИ			
17-МИНГЎРИК	**Атамуратов Мурат Утепбергенович**	1978 йил, ЎзЛиДеП, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» маркази директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Джалалова Барно Турсунбаевна	1966 йил, «Адолат» СДП, «Ёшлар» телеканалининг олий тоифали режиссёри, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Ибрагимов Азиз Юлдашевич	1957 йил, ЎзХДП, 1-сонли Республика клиник шифохонаси бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Саидханов Саидрасул Мансурович	1987 йил, ЎзМТДП, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод тумани Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
18-ТЕМИРЙЎЛ	**Гафуров Ровшан Касимжанович**	1978 йил, «Адолат» СДП, Яккасарой туманидаги 38-спорт мактаби директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Жиянбаев Отабек Эшдавлатович	1974 йил, ЎзМТДП, «Magnum Medikal Servis» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Халтаев Илҳом Азизович	1969 йил, ЎзЛиДеП, «Учтепа автосервис» масъулияти чекланган жамиятининг ишлар бошқарувчиси, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Мусабаев Бегзат Амануллаевич	1976 йил, ЎзХДП, Миробод туманидаги «Салор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши

1	2	3	4
19-ФАЙЗИОБОД	**Камилджанов Абдумалик Абдувахитович**	1974 йил, ЎзЛиДеП, «Ўзтемирйўлйўловчи» акциядорлик жамияти директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Матибаев Тасполат Балтабаевич	1961 йил, «Адолат» СДП, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси «Сиҳатгоҳ» санаторийсининг бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Умарова Гулдана Фазиловна	1955 йил, ЎзХДП, Миробод туманидаги 3-оилавий поликлиниканинг бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Эгамбердиев Бахром Эгамбердиевич	1951 йил, ЎзМТДП, Тошкент давлат техника университети «Электроника ва автоматика» факультетининг «МСС» кафедраси мудири, профессор, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
20-ТОЛАРИҚ	**Исламова Доно Илхомовна**	1981 йил, ЎзХДП, «Дори-дармон» акциядорлик компаниясига қарашли 14-дорихона директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Кадиров Шарафиддин Тахирович	1975 йил, ЎзЛиДеП, Миробод туман ҳокими, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Муитов Даврон Собирович	1971 йил, ЎзМТДП, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг сиёсий менежмент ва халқаро журналистика кафедраси доценти, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Расулова Дилфуза Валиевна	1966 йил, «Адолат» СДП, Тошкент молия институтининг «Бизнес ва тадбиркорлик» кафедраси мудири, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
ОЛМАЗОР ТУМАНИ			
21-ҚОРАСАРОЙ	**Болтабоев Махмуд Мадреймович**	1965 йил, ЎзМТДП, «SALOBAT» хусусий корхонаси директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Исмаилова Раъно Музаффаровна	1975 йил, «Адолат» СДП, Олмазор енгил саноат касб-ҳунар коллежи директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Касимов Махсуд Муратович	1956 йил, ЎзХДП, «Тошкент нон» уюшмаси раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Ходжимухамедова Раъно Абдуллаевна	1959 йил, ЎзЛиДеП, «G`uncha MED» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
22-ЧУҚУРСОЙ	**Азимов Илхом Азимович**	1964 йил, ЎзМТДП, Тошкент маданият коллежи директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Гиясов Джахангир Гигантович	1962 йил, «Адолат» СДП, Олмазор туманидаги 39-спорт мактаби директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Назаров Турабай Турсунович	1955 йил, ЎзЛиДеП, «Тошкент мебель» масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси, O`zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Эшманов Гафур Жураевич	1963 йил, ЎзХДП, Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги академик лицей директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси
ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

1	2	3	4
23-МОЙҚЎРҒОН	**Абидов Алишер Матлабходжаевич**	1961 йил, «Адолат» СДП, Республика дерматология ва венерология маркази бош директори ўринбосари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Акрамов Камалиддин Сайфиддинович	1977 йил, ЎзХДП, Ўзбекистон ХДП Олмазор туман Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Гаибназаров Боходир Рихсиалиевич	1970 йил, ЎзМТДП, Олмазор тумани ҳокими, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Сулаймонова Озодахон Рузиевна	1967 йил, ЎзЛиДеП, Олмазор туманидаги «Чуқурсой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
24-МИРЗА ҒОЛИБ	**Джураев Анвар Заппарович**	1982 йил, ЎзХДП, «3-Автобус саройи» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Касимов Дониёр Аброрович	1966 йил, «Адолат» СДП, Республика онкология илмий маркази бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Махмудов Азамат Нормурадович	1969 йил, ЎзМТДП, Тошкент Банк коллежи директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Ташпулатов Абдувахит Ганиевич	1946 йил, ЎзЛиДеП, Суяк-сил касалликлари ва жарроҳлик асоратларини даволашга ихтисослаштирилган Республика даволаш-илмий маркази директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
25-СЕБЗОР	**Азимов Азизхўжа Анварович**	1967 йил, ЎзЛиДеП, «Asian Diamond Classic» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Зуфаров Махамаджан Заирович	1938 йил, ЎзХДП, «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Маматқобилов Турсунмурат Даниёрович	1973 йил, ЎзМТДП, Тошкент давлат техника университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Султонхаджаева Наргис Асадуллаевна	1964 йил, «Адолат» СДП, Ўзбекистон миллий университети қошидаги 2-сон академик лицей директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
26-БЕРУНИЙ	**Мухамедов Неъматулло Асатуллаевич**	1970 йил, «Адолат» СДП, Тошкент архитектура-қурилиш институтининг «Фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фанлар» кафедраси доценти, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Файзиев Шовкат Абдушухратович	1981 йил, ЎзМТДП, «Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат ипотека банки Олмазор филиали бошқарувчиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Хикматов Хайрулла Хикматович	1947 йил, ЎзЛиДеП, Олмазор туманидаги «Ачаобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Шамансурова Гавхар Шамахмутовна	1969 йил, ЎзХДП, Олмазор туманидаги "Умид" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши

1	2	3	4
СЕРГЕЛИ ТУМАНИ			
27-ДЎСТЛИК	**Рустамов Эркин**	1954 йил, «Адолат» СДП, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Саттарова Айгул Юсупбаевна	1969 йил, ЎзЛиДеП, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси тизимидаги «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали Миробод телефон боғланмасининг Сергели туманидаги 257/258-АТС бўлими раҳбари, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Уразов Муҳиддин Ташкулович	1962 йил, ЎзМТДП, «Блесс Ураз Мед» хусусий клиникаси раҳбари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Хаитматов Баходир Хасанович	1972 йил, ЎзХДП, Республика Маънавият тарғибот маркази Сергели тумани бўлими раҳбари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
28-ЙЎЛДОШ	**Ахунджанов Казим Абидович**	1964 йил, ЎзМТДП, Тошкент кимё-технологиялари институтининг «Маҳсулот сифати менежменти» кафедраси доценти, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Гулямов Боходир Нигматович	1972 йил, ЎзХДП, Сергели туманидаги 11-сон спорт мактаби директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Каримов Ботир Дамин ўғли	1978 йил, ЎзЛиДеП, «Мехмост» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Рахимджонова Дилорам Ишбаевна	1967 йил, «Адолат» СДП, Сергели тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
29-ҚИПЧОҚ	**Абдусаломов Лазизжон Абдуалиевич**	1987 йил, ЎзЛиДеП, «GM Powertrain-Ўзбекистон» акциядорлик жамиятининг моторларни йиғиш ва синаш цехи устаси, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Болтабаева Гулчехра Эркиновна	1968 йил, ЎзМТДП, Дори воситалари экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат марказининг Дори воситалари сифатини назорат қилиш ва стандартлаш лабораторияси раҳбари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Насирова Раъно Рахимовна	1970 йил, «Адолат» СДП, 59-оилавий поликлиника бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Умарходжаев Босит Бохадирович	1987 йил, ЎзХДП, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
30-ЧОШТЕПА	**Мубаракшин Руслан Газизович**	1962 йил, ЎзХДП, «Тошкент иссиқлик электр маркази» акциядорлик жамияти директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Умарова Барнохон Кучкаровна	1971 йил, ЎзЛиДеП, Сергели тиббиёт коллежининг «Даволаш иши» бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Шарапов Бурхонжон Абдурахманович	1965 йил, ЎзМТДП, «Navo-Media» хусусий корхонаси бош директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Эшманова Сабоҳат Мухамедовна	1962 йил, «Адолат» СДП, Чилонзор тумани ФҲДЁ бўлими мудираси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси
ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

1	2	3	4
31-УЧУВЧИЛАР	**Агзамходжаева Саида Сабитхановна**	1961 йил, ЎзМТДП, Ўзбекистон давлат консерваториясининг «Ижтимоий-гуманитар фанлар» кафедраси профессори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Ан Зоя	1954 йил, ЎзХДП, Сергели туманидаги 13-оилавий поликлиника бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Забарина Лариса Викторовна	1969 йил, ЎзЛиДеП, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Бектемир тумани вакили, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Рейимбаев Шухрат Садуллаевич	1977 йил, «Адолат» СДП, Тошкент архитектура-қурилиш институтининг «Архитектура» кафедраси декани, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
ЯШНОБОД ТУМАНИ			
32-МАШИНАСОЗЛАР	**Ахунова Матлюба Алимовна**	1955 йил, «Адолат» СДП, «Сен ёлғиз эмассан» республика болалар жамоатчилик жамғармасининг ўқув маркази директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Мираҳимова Шаҳноза Абдувоҳидовна	1970 йил, ЎзХДП, Тошкент педиатрия-тиббиёт институти қошидаги 2-сон академик лицей директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Насретдинов Саидолим Саидакмалович	1970 йил, ЎзЛиДеП, «Кафолат» акциядорлик-суғурта компанияси-Давлат акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Файзиева Васила Солиховна	1974 йил, ЎзМТДП, Ўзбекистон Давлат санъат музейи директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
33-ТАРАҚҚИЁТ	**Абдумўминов Абдурашид Абдуахадович**	1965 йил, ЎзЛиДеП, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бош директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Адылов Бехзод Шухратович	1982 йил, «Адолат» СДП, Яшнобод тумани ДСЭНМ бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Матякубова Парахат Майлиевна	1961 йил, ЎзХДП, Тошкент давлат техника университетининг «Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш» кафедраси мудири, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Шагазатов Бохадыр Хабибуллаевич	1960 йил, ЎзМТДП, «Қўйлиқ кўприк темир-бетон қурилмалар тажриба заводи» акциядорлик жамиятининг бош директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
34-АВИАСОЗЛАР	**Абдурахманов Хикмат Абдурахманович**	1981 йил, «Адолат» СДП, «Ўзбек-Хитой» савдо уйи вакиллиги раҳбари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Арипов Орифжон Абдумаликович	1975 йил, ЎзЛиДеП, «Тошкент шаҳар тиббий маслаҳат диагностика маркази» давлат унитар корхонаси директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Қурбонов Абдуқодир Кенжаевич	1975 йил, ЎзХДП, Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникасининг даволаш ишлари бўйича бош шифокори ўринбосари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Сайдахмедов Равшан Халходжаевич	1961 йил, ЎзМТДП, Тошкент давлат техника университети ректори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
35-ТУЗЕЛ	**Абдуллаев Фарход Равшанович**	1978 йил, «Адолат» СДП, «Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи» акциядорлик жамияти бош директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Пулатов Ойбек Владимирович	1979 йил, ЎзХДП, «Нур» ногирон тадбиркорлар уюшмаси қошидаги «Диадема Нур Сервис» шўъба корхонаси раҳбари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Толипов Намоз Эшонқулович	1985 йил, ЎзМТДП, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Девони Ахборот хизматининг катта референти, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Ташходжаев Фаррух Эркинович	1972 йил, ЎзЛиДеП, Асака ўқув комплекси директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
36-ЯНГИОБОД	**Закиров Ёрқин Тулкунович**	1970 йил, ЎзЛиДеП, «НЕГИЗ ИНВЕСТ» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Ибрагимов Режабали Тилавович	1962 йил, ЎзХДП, «ТАСИС-ЎҚУВ» маркази директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Сангинов Сайдирасул Саидакпарович	1955 йил, «Адолат» СДП, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Убайдуллаева Зухра Ибрагимовна	1963 йил, ЎзМТДП, Қон препаратлари илмий ишлаб чиқариш корхонаси директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
37-ҚУРУВЧИЛАР	**Азимов Комолиддин Шарафутдинович**	1974 йил, «Адолат» СДП, «Ўзбекинвест Ассистанс» сервис агентлиги директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Ганиев Баходир Мухтарович	1977 йил, ЎзЛиДеП, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Камалходжаева Зулайхо Адиловна	1971 йил, ЎзМТДП, Яшнобод тумани Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудири, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Наврузов Гайрат Джумабекович	1974 йил, ЎзХДП, Яшнобод туманидаги 30-оилавий поликлиника бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ			
38-ОЛМАЗОР	**Акрамов Жасур Анварович**	1965 йил, ЎзМТДП, Республика олимпия заҳиралари коллежи директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Каландарова Лола Нуруллаевна	1969 йил, ЎзХДП, Тошкент шаҳар Силга қарши диспансери бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Усманов Рахманбек Жахангирович	1960 йил, ЎзЛиДеП, Тошкент шаҳар ҳокими, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Файзуллаева Малика Яркуновна	1973 йил, «Адолат» СДП, Чилонзор туманидаги 36-оилавий поликлиника бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси
ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

1	2	3	4
39-ҚОЗИРОБОД	**Борисова Елена Михайловна**	1955 йил, ЎзМТДП, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директори ўринбосари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Ибрагимов Омонулла Фозилжонович	1960 йил, «Адолат» СДП, «Реле ва автоматика» акциядорлик жамияти директорининг биринчи ўринбосари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Костецкий Михаил Онуфриевич	1949 йил, ЎзХДП, «Средазцветметэнерго» акциядорлик жамияти бош директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Маликов Ёркинжон Эркинджанович	1987 йил, ЎзЛиДеП, «TVROSTARTRADE» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
40-ҚАТОРТОЛ	**Ибрагимов Абдималик Гаппарович**	1972 йил, ЎзМТДП, Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг кафедра мудири, илмий кенгаш котиби, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Кульмухамедов Джасур Рафикович	1952 йил, ЎзХДП, Тошкент автомобиль ва йўллар касб- ҳунар коллежи директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Нигматова Шоира Кучкаровна	1962 йил, ЎзЛиДеП, «Рахматилла пишлоғи» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Хакимова Саида Абдубакировна	1957 йил, «Адолат» СДП, «Асила-Шахина» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
41-ҚЎТАРМА	**Бабаев Санжар Сабирович**	1952 йил, «Адолат» СДП, «Ўзбектелефильм» студияси режиссёри, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Кариев Сардор Хикматович	1982 йил, ЎзМТДП, «JURABEK Laboratories LTD» қўшма корхонаси директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Нурмухамедов Искандар Топульдиевич	1960 йил, ЎзХДП, «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти «Халқаро почтампт» филиали почта хавфсизлиги хизмати участкаси бошлиғи, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Турсунов Нодиржон Ботирович	1977 йил, ЎзЛиДеП, Республика врачлик – жисмоний тарбия диспансери бош врачи, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг спорт тиббиёти ва даволовчи – жисмоний тарбия бўйича бош консультанти, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
42-МЕВАЗОР	**Гафуров Бахтиёр**	1946 йил, ЎзХДП, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг «Неврология» кафедраси мудири, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Мухитдинова Дилбар Сайфутдиновна	1974 йил, «Адолат» СДП, 2-тери-таносил касалликлари диспансери бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Султанов Баходир Тургунович	1963 йил, ЎзЛиДеП, «Мангу бўл обод» хусусий корхонаси директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Эгамбердиева Фарида Октамовна	1967 йил, ЎзМТДП, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг «Услубият, таҳрир ва интернет журналистика» кафедраси доценти, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши

1	2	3	4
43-ХАЙРОБОД	**Абдурахмонов Олим Каландарович**	1973 йил, ЎзХДП, Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейи директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Дадаходжаев Улугбек Акбарович	1964 йил, «Адолат» СДП, «Автоустоз» Тошкент автомобиль ўқув ишлаб чиқариш комбинати директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Джавхарова Рамида Джамаловна	1962 йил, ЎзЛиДеП, Чилонзор туманидаги 200-мактаб директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Низамходжаев Зайниддин Махаматович	1954 йил, ЎзМТДП, Академик В.Воҳидов номли ихтисослашган хирургия марказининг бўлим бошлиғи, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ			
44-НАВОИЙ	**Ахроров Бахрам Джаббарович**	1956 йил, «Адолат» СДП, Тошкент давлат юридик университетининг «Жиноят ҳуқуқи ва криминология» кафедраси профессори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Бабаханов Ҳайдар Эргашевич	1959 йил, ЎзХДП, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Хакимов Тимур Файзуллаевич	1977 йил, ЎзЛиДеП, «Ободли уй коммуналчи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Эргашходжаева Шахноза Джасуровна	1968 йил, ЎзМТДП, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Маркетинг» кафедраси мудири, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
45-ҚОРАТОШ	**Абдурахимов Камолиддин Алавиддинович**	1966 йил, ЎзЛиДеП, «O'zbekinvest Hayot» хўжалик шўъба жамияти суғурта компаниясининг бош директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Миркасимов Мирагъзам Миразадович	1975 йил, «Адолат» СДП, Шайхонтоҳур тумани ҳокими, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Муратова Дилноза Каримбаевна	1979 йил, ЎзМТДП, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) котибиятининг катта референти, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Хонходжаева Лола Тухтамурадовна	1965 йил, ЎзХДП, Шайхонтоҳур туманидаги 6-болалар стоматология поликлиникаси бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
46-КАТТАБОҒ	**Азларов Турғун Рахматович**	1953 йил, партиясиз, Шайхонтоҳур туманидаги 40-мактабнинг математика ва информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Джўраев Олимджан Азизович	1982 йил, ЎзХДП, «Саноатгеоконтех-назорат» давлат инспекциясининг Тошкент минтақавий инспекцияси бош мутахассиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Миркасимов Джасур Алишерович	1982 йил, ЎзЛиДеП, «Акцин» масъулияти чекланган жамиятининг ижрочи директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Хамзаев Равшан Абдувасидович	1972 йил, «Адолат» СДП, «Супер ПАК» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси
ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

1	2	3	4
47-ГУЛОБОД	**Исламов Хуршид Джамшидович**	1979 йил, ЎзЛиДеП, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош онкологи, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Нигматов Равшан Махкамбаевич	1966 йил, «Адолат» СДП, Ўзбекистон давлат консерваториясининг биринчи проректори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Нурмухамедов Ғайрат Қўчқорович	1966 йил, ЎзМТДП, «Хадича Хожи она сервис» хусусий корхонаси директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Рахматиллаева Мукаддасхон Мамаюнусовна	1957 йил, ЎзХДП, Шайхонтоҳур туманидаги 44-оилавий поликлиника бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
48-ТИНЧЛИК	**Эркабаев Камолиддин Жамолидинович**	1981 йил, ЎзМТДП, «Mobi Tel Inform» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Бегматов Рахимжон Рахмонкулович	1972 йил, ЎзХДП, Тошкент давлат педагогика университети тарих факультетининг илмий ишлар бўйича декан ўринбосари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Пайзиев Рустам Бахтиярович	1974 йил, ЎзЛиДеП, «Электронурсервис» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Касимов Абдумавлон Насирович	1973 йил, «Адолат» СДП, «Сарай пластик» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
49-ЖАРАРИҚ	**Курбанов Садриддин Самиевич**	1963 йил, «Адолат» СДП, Тошкент Давлат цирки директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Гулямова Азиза Сайфиевна	1960 йил, ЎзЛиДеП, «Азиза Сайфи қизи» хусусий фирмаси директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Умарова Мавлюда Абдугапуровна	1964 йил, ЎзХДП, Шайхонтоҳур туманидаги 316-мактаб директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Шамахмудов Фарход Шавахитович	1968 йил, ЎзМТДП, «SUPER ELIXIR» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши

ЮНУСОБОД ТУМАНИ

50-МИНОР	**Абдуллаева Гузал Кучкаровна**	1961 йил, «Адолат» СДП, Юнусобод туманидаги 56-оилавий поликлиника бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Азимджанов Шавкат Джураевич	1969 йил, ЎзЛиДеП, Юнусобод тумани ҳокими, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Гулямов Анварходжа Турсунович	1955 йил, ЎзХДП, «Нуроний» жамғармасининг Юнусобод тумани бўлими раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Ташходжаева Мухаббат Хикматовна	1966 йил, ЎзМТДП, «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг Шартномалар ва ўзаро ҳисоб-китоблар бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
51-ХИЁБОНТЕПА	**Атабеков Нурмат Сатиниязович**	1957 йил, ЎзХДП, Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Касимов Рустам Саидович	1951 йил, ЎзМТДП, «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти бош директори, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг ижроия қўмитаси раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Умарова Мукадас Хушнетовна	1966 йил, «Адолат» СДП, Юнусобод туманидаги кўп тармоқли марказий поликлиника бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Хидоятова Дилобар Абдурасуловна	1968 йил, ЎзЛиДеП, Шаҳар болалар уйи бош шифокори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
52-УСТА ШИРИН	**Халматов Хосил Хусанович**	1975 йил, ЎзЛиДеП, «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари, бош муҳандиси Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Маннанов Абдушукур Маликович	1952 йил, ЎзМТДП, Тошкент педиатрия-тиббиёт институтининг «Тери-таносил, ОИТС, болалар тери-таносил касалликлари» кафедраси мудири, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Содиқов Обиджон Қобилжонович	1985 йил, «Адолат» СДП, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бошқармасининг бош тафтишчиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Убайдуллаева Севара Абдуллаевна	1975 йил, ЎзХДП, Тошкент педиатрия-тиббиёт институти кафедраси доценти, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
53-ТУРКИСТОН	**Ахарова Назима Зиятходжаевна**	1963 йил, «Адолат» СДП, «Qonunchilik» адвокатлик фирмаси директори, адвокат, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Наджмиддинова Дилором Саидмуротхановна	1975 йил, ЎзЛиДеП, «DOLORES ASIA TOURS» туризм йўналишидаги масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Нигманов Хусан Абдулхайович	1960 йил, ЎзМТДП, Юнусобод туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Шакирова Кимяхан	1951 йил, ЎзХДП, Юнусобод туманидаги, 52-Оилавий поликлиника бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
54-УЧ ҚАҲРАМОН	**Махмудова Умида Султановна**	1970 йил, «Адолат» СДП, Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансерининг ўсмирлар терапевти, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Хамидуллаев Санжар Асатуллаевич	1969 йил, ЎзЛиДеП, Ўзбекистон нодавлат-нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Халилов Нуритдин Абазович	1942 йил, ЎзМТДП, Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамоат фонди бошқаруви раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Эгамбердиев Шерзод Рузимуродович	1979 йил, ЎзХДП, «Ориент финанс» банкининг Шайхонтоҳур тумани филиали бошқарувчиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси
ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

1	2	3	4
55-МУСТАҚИЛЛИК	**Ахмедов Ильхам Аскарович**	1969 йил, ЎзЛиДеП, "Стемқурилиш» хусусий корхонаси директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Матчонов Жасур Матякубович	1984 йил, ЎзМТДП, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Сулейманова Муяссархон Низамовна	1961 йил, «Адолат» СДП, 57-оилавий поликлиника бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Эшметова Нигора Асомидиновна	1961 йил, ЎзХДП, Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
56-БОБОДЕХҚОН	**Аглямов Ижод Музаппаридинович**	1969 йил, ЎзЛиДеП, «CIB GROUP» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Даминов Ботир Тургунпулатович	1968 йил, «Адолат» СДП, Тошкент педиатрия-тиббиёт институти ректори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Исақов Абдусаид Жалилович	1972 йил, ЎзХДП, Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги Юнусобод академик лицейи директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Курязов Аминбай Машрабович	1964 йил, ЎзМТДП, Тошкент шаҳар гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтининг гемофилия бўлими хирурги, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
57-ОТЧОПАР	**Раджабов Умурзак Аблакулович**	1960 йил, «Адолат» СДП, Тошкент молия институти «Солиқлар ва солиққа тортиш» кафедрасининг доценти, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Солдатова Марина Павловна	1969 йил, ЎзЛиДеП, «VIRSAVIYA PROJECT» акциядорлик жамияти директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Тошматов Шерзод Рихсибаевич	1979 йил, ЎзМТДП, Ўзбекистон Республикаси шарқ яккакурашлари ва қўл жанги санъатини ривожлантириш маркази раисининг ўринбосари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Қўзиев Отабек Жўрақулович	1977 йил, ЎзХДП, Тошкент педиатрия-тиббиёт институти кафедрасининг катта илмий ходими, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши

1	2	3	4
ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ			
58-БОШЛИҚ	**Абдурахимова Фарида Юлдашевна**	1950 йил, ЎзХДП, Тошкент шаҳар хотин- қизлар қўмитаси раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Зияев Ғолибшер Мелибоевич	1961 йил, ЎзМТДП, «Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази» давлат унитар корхонаси бош директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Некбаев Ахмат Турдиевич	1961 йил, ЎзЛиДеП, «Техкафолат Люкс» хусусий корхонасининг бош директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Юлдашева Умида Тухтамуродовна	1959 йил, «Адолат» СДП, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицей директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
59-БЎРИЖАР	**Ишкуватов Валикул Турдиевич**	1969 йил, ЎзМТДП, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг тарих факультети декани, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Илиева Лола Камоловна	1962 йил, ЎзХДП, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг чет тиллар факультети доценти, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Муратбекова Махпуза Атхамбековна	1960 йил, «Адолат» СДП, Тошкент давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейи директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Усманова Мунира Сайдахмедовна	1959 йил, ЎзЛиДеП, Яккасарой туманидаги «Ўрикзор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
60-РАКАТ	**Акобиров Сухроб Сайфуллович**	1982 йил, ЎзЛиДеП, «INVOCENTELECOM» масъулияти жекланган жамиятининг бош директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Аристов Александр Валентинович	1962 йил, «Адолат» СДП, Рус миллий-маданий маркази раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Мирсаидова Мухиба Зафаровна	1973 йил, ЎзМТДП, Яккасарой тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Касимова Шахназа Шаюсуповна	1961 йил, ЎзХДП, 20-мактаб директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши

2. Депутатликка номзодларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), иш ва турар жойи, шунингдек, уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия кўрсатилгани ҳолда уларнинг рўйхати «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинсин.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси раиси Ф.МАҲМУДХЎЖАЕВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 13 ноябрь

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда яшаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг маданияти, анъана ва урф-одатларини ривожлантириш учун қулай шароит яратилган.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ЎЗБЕКИСТОН – ТОТУВЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК МАМЛАКАТИ

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 4-моддасидан.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1992 йили ташкил этилган Республика байналмилал маданият маркази бу борадаги ишларга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Мамлакатимиздаги 130 дан ортиқ миллий маданият марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш марказнинг асосий вазифаларидан биридир. Бошқа жамоат ташкилотлари қатори ушбу марказ ҳам «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

– Баркамол авлод мустаҳкам ва аҳил оилада камол топади, – дейди Республика байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев. – Бунинг учун мамлакатимизда барча ҳуқуқий, маънавий ва моддий асослар яратилган. Йил давомида марказ томонидан «Баркамол шахсни тарбиялашда миллий маданий қадриятларнинг роли» мавзусида илмий-амалий семинарлар, «Биз – сенинг фарзандларингмиз, Ўзбекистон!» фотосуратлар, бадиий-амалий санъат ва болалар ижодиёти кўргазмалари ўтказилди, янги «Ўзбекистон – кўп миллатли мамлакат» ҳужжатли фильми намойиш этилди. Ушбу тадбирлар доирасида «Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ амалга оширилаётган ишлар, ёшларни етук шахслар этиб вояга етказишда байналмилал тарбиянинг роли ва аҳамияти хусусида фикр алмашилди.

Бундан ташқари, миллий маданият марказлари томонидан болалар ёзувчи ва шоирлари, болалар бадиий жамоалари ва ёш эстрада хонандалари иштирокида Соғлом бола йилига бағишланган концерт дастурлари, «Китоб бизни бирлаштиради» мавзусида болалар байрами ташкил этилди. Бухорода атоқли туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули таваллудининг 290 йиллигига бағишланган тадбирлар ўтказилди. Туркман миллий маданият маркази фаоллари Ашхободда ўтган Жаҳон туркманлари гуманитар ассоциациясининг 17-конференциясида ва бошқа тадбирларда иштирок этди. Қозоқ миллий маданият маркази ташаббуси билан ўтказилган ўзбек ва қозоқ халқлари дўстлик фестивалида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида маданий алоқаларни ривожлантиришга бағишланган янги ҳужжатли фильм намойиш этилди. Олмалиқ шаҳар Корейс миллий маданият маркази ва «Баркамол авлод» болалар маркази корейс тили бўйича олимпиада ўтказди. «Видергебурт» немис миллий маданият маркази ҳудудий бўлимлар билан биргаликда Бухоро ва Хивада «Буюк Ипак йўли» ёшлар лингвистика оромгоҳини, немис тилида саҳна асарлари қўядиган ҳаваскор театр жамоаларининг еттинчи республика фестивалини ташкил қилди.

Миллий маданият марказлари ҳузурида она тилини ўрганиш тўгарак ва курслари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда тарих, маданият, санъат, халқ анъана ва урф-одатлари бўйича маърузалар, суҳбатлар, турли соҳа вакиллари билан учрашувлар ва бошқа кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

Марказлар вакиллари хайрия тадбирларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, Ча университети (Жанубий Корея) «Пундан Ча» шифохонаси мутахассислари «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва Корея Республикасининг «Junior Chamber International – JCI» халқаро ёшлар ташкилоти кўмагида Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида юрак касаллиги билан туғилган болаларни тиббий кўрикдан ўтказди. Оҳангарондаги Меҳрибонлик уйи ва пойтахтимиздаги 21-Мурувват уйи, Тошкент шаҳар ногиронлар жамияти Бектемир тумани бўлимида хайрия акциялари бўлиб ўтди. Шунингдек, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари учун ҳам шундай тадбирлар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни олдидан турли тадбирлар, концертлар, ижодкорлар билан учрашувлар ўтказилади. Ватанимиз равнақи йўлида миллатлараро ва динлараро тотувликни янада мустаҳкамлашнинг асоси ва кафолати бўлган Қомусимизнинг мазмун-моҳиятига бағишлаб ўтказиладиган «Ёшларни миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш – фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси энг муҳим воқеалардан бирига айланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари миллий комиссияси билан ҳамкорликда Халқаро бағрикенглик кунига бағишланган тадбирлар ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Ўз миллий маданиятини ривожлантираётган марказлар бир-бири билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган муносабатларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда, маданиятлар ҳамкорлигини янада кенгайтириш, юртдошларимизда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга кўмаклашмоқда. Бу эса давлатимиз томонидан муносиб баҳоланмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бағрикенглик муҳитини, шунингдек, миллатлараро ва динлараро муносабатларни мустаҳкамлаш давлатимиз томонидан амалга оширилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир. Турли миллат вакиллари мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ирина ДОЛЕНКО,
ЎзА мухбири

Тиббиёт коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг соҳадаги билим-малакаларини ошириш, улар орасидан энг иқтидорлиларини танлаб олиб, рағбатлантириш долзарб масалалар қаторига киради.

2014 йил — Соғлом бола йили

ИҚТИДОРЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

Шу маънода «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ёш авлоднинг тиббий билимлари ва маданиятини ошириш, бўлажак шифокор онгида касбга меҳр-муҳаббат, беморга малҳам бўлиш руҳиятини шакллантириш, тиббиётдаги янгиликлар, кашф этилаётган янги даволаш усуллари бўйича кўникмаларини кенгайтириш мақсадида Тошкент Тиббиёт академияси ҳамда ушбу академия қошидаги академик лицей ташаббуси билан «Тиббиёт ниҳоллари» илмий кўрик-танловининг ўтказилиши нур устига аъло нур бўлди.

Кўрик-танлов икки босқичдан иборат бўлиб, дастлаб ҳар бир тиббиёт коллежи ва академик лицей миқёсида кўрик ташкил этилиб, 1 ва 2-ўрин соҳиблари ҳал қилувчи баҳсда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Куни кеча Тошкент Тиббиёт академиясида «Тиббиёт ниҳоллари» кўрик-танловининг ҳал қилувчи босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳримиздаги барча саккизта тиббиёт коллежлари ҳамда Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ҳамда Ўзбекистон Миллий университети қошидаги академик лицейнинг иқтидорли ўқувчилари иштирок этди. Қувонарли томони шундаки, улар «Соғлом бола — юрт келажаги», «А ва В гепатити вируслари», «Эбола вирусининг келиб чиқиши», «Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ натижасида келиб чиқадиган ирсий касалликлар, «Интернет сайтларининг ёшлар онгига турли хил таъсирлари», «Болаларда соғлом турмуш тарзи» каби бугунги кундаги долзарб мавзулар бўйича видеослайдлар ёрдамида қизиқарли чиқишлар қилдилар.

Тошкент Тиббиёт академиясининг тажрибали профессор-ўқитувчиларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан ўқувчилар маҳорати баҳолаб борилди.

Ҳакамлар ҳисоб-китоблари натижасига кўра Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқувчиси Маҳмуд Эргашев кўрик-танловнинг ғолиби деб топилди. Чилонзор тиббиёт коллежи ўқувчиси Екатерина Белановская ҳамда Сергели тиббиёт коллежи ўқувчиси Фарангиз Забировалар фахрли иккинчи ўринларни эгаллашди. Яна икки нафар коллеж ва лицей ўқувчилари учинчи ўриннинг соҳиблари бўлишди.

Танловнинг ғолиб ва совриндорларига мақтов ёрлиқлари ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

КЎНГИЛЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарорига мувофиқ 2007 йилдан буён ҳар йили ноябрь ойи мамлакатимизда қандли диабет ойлиги деб эълон қилинмоқда.

Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали томонидан маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда, ўқув муассасаларида эндокринолог шифокорлар иштирокида қандли диабет касаллигининг олдини олиш ва уни даволаш мавзуларида кенг қамровли давра суҳбатлари ва тадбирлар ўтказилмоқда.

Шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, шаҳар Эндокринология диспансери ҳамкорлигида «Яккасарой» тантаналар уйида «Биргаликда узоқ ва бахтли ҳаёт кечирамиз» мавзуида уюштирилган хайрия тадбири ҳам жуда мазмунли ўтди. Тадбирга қандли диабет билан касалланган болалар ва уларнинг ота-оналари таклиф этилди.

— Президентимизнинг жорий йил 1 августдаги «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори саломатликни янада мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш борасида ўзига хос дастуруламал бўлмоқда, — дейди шаҳар Эндокринология диспансерининг бош шифокори Виктория Царева. — Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад, қандли диабет билан касалланган болалар ва уларнинг ота-оналарининг ўзларига, ҳаётга ва келажакка бўлган ишончларини янада оширишдир. Зеро, болалар кулгуси ва қувноқ кайфияти ҳар қандай дардни ҳам аритади, саломатликларининг яхшиланишига туртки бўлади.

Тадбир доирасида қандли диабет билан оғриган болаларга дори-дармонлар ва эсдалик совғалари тарқатилди.

Болажонлар дилрабо куй ва қўшиқлар, дилбар рақсларга ҳамоҳанг рақсга тушишди.

«Кўзмунчоқ» шоу гуруҳининг қизиқарли чиқишлари, эртак қаҳрамонларининг саҳна кўринишлари йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ВА ЁШЛАР

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигининг муҳим омилларидан бири сифатида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги фармон ва қарорлари соҳани янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 322-умумтаълим мактабида «Соғлом бола йили» давлат Дастури ижроси доирасида «Баркамол авлодни шакллантиришнинг ижтимоий-экологик жиҳатлари» мавзусида ўтказилган илмий-амалий семинарда бу алоҳида таъкидланди.

«Экосан» халқаро хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамкорлигида «Атроф-муҳит муҳофазаси ва унинг барқарор ривожи масалалари бўйича аҳоли хабардорлигини ошириш» лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда табиатни муҳофаза қилиш муассасалари вакиллари, маҳаллалар фаоллари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, ёшлар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида экологик таълимни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасида экологик таълимнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди, таълим муассасаларида ёшларнинг экологик маданиятини ошириш, уларда атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни шакллантиришга қаратилган дарслар самарали ўқитилмоқда. Жамоатчиликнинг атроф-муҳит барқарорлигига оид билим ва савиясини юксалтириш, соҳада малакали мутахассислар тайёрлаш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилаётир.

– Табиатни муҳофаза қилиш аҳолининг, айниқса, ёшларнинг долзарб вазифаларидан биридир, – дейди ЎзА мухбирига Сергели тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими услубчиси Нодира Садриддинова. – Мамлакатимизда экологик таълимни ривожлантириш ҳамда ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ишлар бу жараёнда муҳим аҳамият касб этади.

Семинар-тренингда атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, ёшларга экологик таълим-тарбия бериш, иқлим ўзгариши муаммолари, давлат ва нодавлат ташкилотларининг соҳага оид ҳамкорлигини мустаҳкамлаш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбир иштирокчиларига «Харитага кирмаган саҳро» ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Н.НАСРИЕВ

ОЗОДАЛИК — ФАРОВОНЛИК РАМЗИ

Ҳар фаслнинг ўз таровати бор. Баҳорда яшил либосда кўзимизни қувнатган табиат кузда олтинранг товланади. Дарахтлардан бирин-кетин тушаётган барглар кимгадир илҳом берса, кимнингдир ташвишини оширади. Ана шунда айримлар хазон ёқиб ён-атрофни тозалаган бўлади. Бироқ бу орқали ҳавони ифлослантириб, одамларни заҳарлаётганини ўйлаб кўрмайди.

– Бундай ҳолатларни кўриб, қўл силтаб кетувчилар ҳам топилади, – дейди Тошкент шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг бўлим бошлиғи Ботир Ортиқхўжаев. – Бундай қараш экологик маданиятнинг пастлиги, ён-атрофга лоқайдлик белгисидир. Ахир хазон ёқилганда ундан ажралиб чиққан заҳарли тутун инсон саломатлигига жиддий хавф туғдиради. Уюмуюм хазонни ёқишдан кўра уни белгиланган жойга тўпласак, атроф-муҳитни озода сақлаган, табиат мусаффолигини таъминлаган бўламиз-ку.

Маиший чиқиндилар бутун дунёда арзон хомашё ҳисобланади. Аммо, айрим давлатларда унинг 85 фоизини қайта ишлаш йўлга қўйилган бўлишига қарамай, чиқиндилар муаммоси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Бу муаммони камайтиришда шаҳар ва қишлоқларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, хазон ва маиший чиқиндиларни аҳоли пунктларидан узоққа ташиб кетиш, зарарсизлантириш тегишли қонун ҳужжатлари орқали бошқарилмоқда.

Мамлакатимизда бу борадаги юмушларни тизимли тарзда ташкил этиш, чиқиндиларни зарарсизлантириш орқали атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш доимий эътиборда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги қарори чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш, улардан хўжалик фаолиятида фойдаланиш муносабатларини тартибга солишга хизмат қилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасига қарашли «Махсустранс» ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан чиқиндиларни йиғиб олиш, зарарсизлантириш, пойтахтимизнинг санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бошқарма таркибида ўн битта туман автотранспорт корхонаси, чиқиндиларни қайта юклаш станцияси, чиқинди ташувчи махсус автомобилларга сервис хизмат кўрсатиш ва уларни жорий таъмирлашга йўналтирилган «Махсустранс таъмир хизмат» корхонаси фаолият юритмоқда.

– Тошкент шаҳридаги турар жой мавзеларида 700 дан зиёд кўриқланадиган ҳамда 400 га яқин оддий чиқинди тўплаш майдончаси мавжуд, – дейди «Махсустранс» ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Шуҳрат Иноғомов. – Шаҳар бўйича 12 мингдан зиёд махсус контейнерлар ўрнатилган. Жорий йилда 185 замонавий қўриқланадиган чиқинди йиғиш майдончаси қурилиб, бир қатор майдончалар таъмирланди. Қўриқланадиган чиқиндихоналар кўпроқ самара бераётгани боис келгусида уларни янада кўпайтиришни режалаштирмоқдамиз.

«Чиқиндилар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ «Махсустранс» ишлаб чиқариш бошқармаси чиқиндилар билан боғлиқ корхоналар иш фаолиятини яхшилаш, машина ва механизмлар созлигини таъминлаш, чиқинди тўплаш майдончалари қуриш ва улардан фойдаланиш ишларини такомиллаштириш борасида мунтазам иш олиб бормоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари, боғча, шифохона каби ижтимоий объектларга шартнома асосида хизмат кўрсатмоқда.

Чиқиндиларни ўз вақтида ташиб кетиш ҳам доимий эътиборда. Шу боис тизимни замонавий техника воситалари билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Ҳозир махсус автокорхоналарда 411 автомашина хизмат кўрсатмоқда. 2012-2013 йилларда автокорхоналарга «ISUZU» ҳамда «MAN» русумли 153 юқори унумдор, ихчам автомашиналар харид қилинди.

«Махсустранс» ишлаб чиқариш бошқармаси соҳага инвестицияларни жалб этиш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали тизимни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда Япониянинг «Шимидзу» корпорацияси билан ҳамкорликда «Мусаффо ривожланиш механизми» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Унга кўра, Тошкент шаҳар чиқиндихонасида ҳосил бўладиган биогаз таркибидаги метан газини тўплаб ёқиш йўлга қўйилиб, шу орқали атроф-муҳит муҳофазаси таъминланмоқда.

Жорий йилда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда 2014-2018 йилларда Тошкент шаҳрида қаттиқ маиший чиқиндиларни тартибга солишга мўлжалланган 76 миллион долларлик инвестициявий лойиҳани бажариш бошланди. Мазкур лойиҳа доирасида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш йўлга қўйилиб, 200 дона автотранспорт воситаси харид қилиниши мўлжалланмоқда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси қуйидаги таълим муассасаларида вакант (бўш) бўлган директор ўринбосари лавозимига
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига		
1	Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Олмазор академик лицейи	Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй
Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига		
2	Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Олмазор академик лицейи	Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй
Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига		
3	Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод академик лицейи	Юнусобод тумани, 7-мавзе

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари: Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган, педагогик олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув тарбиявий, ўқув услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим.

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари: Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган, ижтимоий фанлар ёки педагогик олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув тарбиявий, ўқув услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1.Сўровнома (справка-объективка);
2.Таржимаи ҳол;
3.Олий маълумоти ҳақида диплом нусхаси;
4.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
5.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
6.3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
7.Паспорт (нусхаси);
8.Тавсифнома;
9.Меҳнат дафтарчасидан нусха.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ойнинг ҳар биринчи ва учинчи шанба кунлари соат 10:00 дан 12:00 гача Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 2-а уй манзилида жойлашган бинода тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига қулай шароитлар яратиш мақсадида **«Очиқ эшиклар куни»** ўтказилишини маълум қилади.

БОШҚАРМА МАЪМУРИЯТИ

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 15.07.2009 йил №241-сон билан рўйхатдан ўтган, Чилонзор тумани, Чилонзор 16-мавзе, Фарҳод кўчаси, 10-уйда жойлашган «PRIVILEGIUM» адвокатлар ҳайъати (х/р 2020 8000 4047 9322 4001 «Ўзсаноатқурилиш» банкининг Учтепа филиали, МФО 00397, ИНН 207 016 704) 14.08.2014 йилдаги умумий йиғилиш қарорига асосан тугатилмоқда.

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб икки ой давомида Чилонзор тумани, Чилонзор 16-мавзе, Фарҳод кўчаси, 10-уй манзили бўйича қабул қилинади. Тел.:276-86-02.

Тошкент Давлат стоматология институти жамоаси ва касаба уюшма қўмитаси институтнинг ўқув ишлари бўлими бошлиғи Н.Р.Янгиеванинг волидаи муҳтарамаси

Олия Жўраевна ЮСУПОВАнинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат стоматология институти жамоаси ва касаба уюшма қўмитаси узоқ йиллар терапевтик стоматология кафедрасида фаолият олиб борган, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Сайрам Ибрагимович БЕКТОШЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **19 ноябрь** куни ҳаво бир оз ўзгариб туради, кечга бориб ёмғир ёғиши мумкин. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5, кундузи — 11-13 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **19 ноябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

(Газетанинг навбатдаги сони 21 ноябрда чиқади).

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9219
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1155
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 6 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6397 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 22.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ